

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**31 «Ўзбек Лизинг интернейшнл А.Ж.» қўшма лизинг  
компанияси фаолияти масалалари тўғрисида**

«Ўзбек Лизинг интернейшнл А.Ж.» қўшма лизинг компаниясининг тадбиркорлик субъектларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш лойиҳаларини молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси томонидан «Ўзбек Лизинг интернейшнл А.Ж.» қўшма лизинг компаниясининг устав жамғармасидаги улушини «Ўзбек-Оман инвестиция компанияси» масъулияти чекланган жамият фойдасига берилганлиги;

акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра «Ўзбек Лизинг интернейшнл А.Ж.» қўшма лизинг компаниясининг устав жамғармаси миқдори 3 млн АҚШ доллари миқдорида тақсимланмаган даромад ҳисобига 9 млн АҚШ долларигача оширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Ўзбек Лизинг интернейшнл А.Ж.» қўшма лизинг компанияси муассисларининг улушларни қуйидаги миқдорларда тақсимлаш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — 3,15 млн АҚШ доллари (35 фоиз);

«Мейбанк» (Малайзия) — 3,15 АҚШ доллари (35 фоиз);

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

**31-32-моддалар**

**— 6 —**

**3 (555)-сон**

«Ўзбек-Оман инвестиция компанияси» масъулияти чекланган жамият — 2,70 АҚШ доллари (30 фоиз).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек Лизинг Интернейшнл АЖ» қўшма лизинг компанияси фаолияти масалалари тўғрисида» 2001 йил 27 мартдаги 149-сон қарорининг 1 ва 2-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 15 январь,  
10-сон